



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ҚАРОРИ**



**Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура,
аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобилъ телефонларни авиация
хавфсизлиги бўйича текшириш қондаларининг 4-бандига
ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат хавфсизлик хизмати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 27 августдаги 33 ва 87-сон қарори (рўйхат рақами 2617, 2014 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил., 39-сон, 495-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобилъ телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қондаларининг 4-бандидаги “Миллий” деган сўз “Давлат” деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Тошкент ш.,

2018 йил 16 ИЮНЬ .
43 - сон



Т. Ўлжаев